



3 → Қоч, киракаш, рейд бошланди!

Амин бўлдимки, ҳар кун оғиримизни енгил қилиб турган, бугун “ин-инига кириб кетган” микроавтобусларнинг деярли барчаси йўловчиларни ноқонуний ташийди.

4 → Ростга ўхшаган ёлгон

Мисрнинг собиқ Президенти Хусни Муборакнинг олтинларини ким, қаёққа ташиб кетгану улар ҳозир қаерда?

8 → Мен севаман — сен севасанми?

Ушбу гаройиб сурат пойтахтимизнинг қоқ маркази — улуғ адиб Абдулла Қодирий номи билан аталувчи кўчада олинган. Ким унга энг қизиқарли изоҳ топиб, таҳририятимизга жўнатса, бир йўла учта ажойиб соврин билан сийланади.

Бугун Париж кўчаларида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасида 8-9 октябрдаги расмий ташрифи доирасида Парижда икки мамлакат ишбилармон доиралари, илм-фан, маданият намояндаларининг қўшма тадбирлари бўлиб ўтди. Куйида ушбу тадбирларда Франция жамоатчилиги вакиллари билдирган фикрлар билан танишасиз.

Фергал ГОЛДИНГ, “Sofresom” компаниясининг минтакавий директори:

— Ўзбекистон жадал суръатларда ривожланмоқда. Бу жараёнда мамлакатда ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, хорижлик инвесторлар учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар яхши самара бериши табиий, албатта.


Компаниямиз телекоммуникация ва консалтинг хизматларини амалга оширади. Биз Ўзбекистондаги қўлай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланган ҳолда, “Ўзбектелеком” компанияси билан телекоммуникация соҳасида ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз. Албатта, режаларимиз улкан, янги ғоя ва тақлифларимизни ҳаётга татбиқ этиш ниятидамиз. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ҳамкорларимизнинг тажрибаси ҳам биз учун ғоят қадриlidir.

Эммануэль ДЮПОН, Европада истиқболли таҳлил ва хавфсизлик институти президенти:

— Ўзбекистон Президентининг Францияга илк расмий ташрифи тарихий воқеадир. Бу ташриф икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати очиклик, дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш тамойилларини ифода этади.

Бу жиҳат Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ўз нуфузига эгаллиги ва позициясини мустаҳкамлаб бораётганида ҳам кўзга ташланади.



“Орзуимиз — Ўзбекистонни зиёрат қилиш”

Бугун Париж кўчаларида францияликлар билан суҳбатлашган киши тез-тез ана шундай фикр-мулоҳазаларни эшитиши мумкин. Бунга ушбу мамлакат фуқароларининг Ўзбекистон ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари мисолида яна бир бор гувоҳ бўласиз.

Симони ЛАУРЕНС, шифокор (суратда):

— Кейинги пайтларда Парижда Ўзбекистонга бағишлаб кўлаб тадбирлар ўтказилмоқ-

да. Буни кузатиб шунга амин бўлдимки, турли соҳалар вакиллари учрашувлари мамлакатларимиз ҳамкорлиги учун ғоят муҳим. Юртингиз-

нинг қадимий ва бой тарихи оламга машҳур, буни тан олиш керак.

Буюк Амир Темури довр-гини билмаган одам йўқ.

Соҳибқиронга хос адолат-парварлик ва мустаҳкам ирода ўзбекларнинг қониди бор.



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Ҳақиқат ғалаба қилиши шарт

Машҳур ёзувчиларнинг кўпжылдлик китобларини варақлаб кўрсангиз, кейинги жилдларини публицистика эгаллаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ўзбек журналистининг Хитойдаги саргузаштлари

Хитой сафарининг илк куниди мени ҳаяжон босди. Бундай улкан, қадимий ва ўта замонавий мамлакатга биринчи боришим эди.

Хориж тажрибаси

150 минг нусхада чоп этилиб, текин тарқатиладиган газета бош муҳаррири билан суҳбат.

» Сарҳисоб

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошқарув аъзолари, уюшма фаоллари ва унинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси жорий йилнинг тўққиз ойи давомида олиб борган фаолият ҳақида ҳисобот тингланди, гандаги вазибалар белгилаб олинди.

Уюшма фаолияти тобора такомиллашмоқда

Жобир ХҲҲАҚУЛОВ

Қайд этилганидек, уюшма томонидан ҳисобот даврида миллий журналистикани ривожлантириш, соҳа ходимлари ма-лакасини ошириш, қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг амалий билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш, факрийларга эътибор қара-тиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожлани-ши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни

модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллашти-риш бўйича қабул қилин-ган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-тегияси мақсад-вазифа-ларини тарғиб этиш, унинг доирасида олиб бо-рилаётган ишларни кенг ёритишда ОАВнинг роли-ни мустаҳкамлашга қара-тилган қатор конференция, давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ташкил этилди.



» Медиа форум

Доимий мулоқот ва ахборот алмашиш имконияти

Тошкентда илк бор Ўзбекистон — Россия медиа форуми ўтказилди.

Малоҳат ХУСАНОВА

ЎЗА мухбири

Медиа соҳасида йирик воқеа ҳисобланган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация компаниялари раҳбарлари, журналистика ва ахборот технологиялари йўналиши мутахассислари-ни тайёрлашга ихтисослаш-тирилган олий таълим му-ассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон — Россия ме-диа-форумининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбоса-ри А.Абдуҳақимов, Россия Федерацияси Рақамли ри-вожланиш, алоқалар ва оммавий коммуникациялар вазири ўринбосари А.Во-лин, Ўзбекистон Миллий телерадиоканализи раи-си вазифининг бажарувчи А.Хўжаев ва бошқалар сўзга чиқди.

— Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги кўлаб соҳалар-да изчил ривожланмоқда, —

деди Россия Федерацияси-нинг Ўзбекистондаги Фав-қулда ва мухтор элчиси В.Тюрденев. — Бу жараён-да медиа ва ахборот техно-логиялари бўйича ўзаро ҳамкорлик истисно этилма-гани алоҳида эътиборга мо-лик. Шундай экан, мазкур форум икки мамлакат медиа соҳаси вакиллари ўртасида-ги доимий мулоқотнинг бошланиши ва ахборот алма-шиш нуқтаси бўлди.

Форумнинг дастлабки йи-ғилиши икки мамлакатнинг телекоммуникация соҳаси-даги ҳамкорлик истиқболла-рига бағишланди. Унда мамлакатларимиз тарихи, маданияти, ижтимоий-иқти-содий ҳаёти ҳақида жамо-атчиликни хабардор қилиш-ни кенгайтириш, телеком-муникация соҳаси янгилик-лари, янги технология ва хизматлар, рақамли телеви-дение аудиторияси таҳлил-лари, аънавий телевиде-ниенинг рақобатбардошли-гини ошириш каби масала-лар юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлиф-лар билдирилди.



БИЗ ОБУНА БЎЛДИК! СИЗ-ЧИ?



Наманган муҳандислик-технология институтининг чет тиллари кафедраси мудири, филология фанлари доктори Дилдора Ҳошимова.

Ҳотам МУҲАММАД АЛИ фотоси



Мен севаман — СЕН СЕВАСАНМИ?

Ушбу фаройиб сурат пойтахтимизнинг қоқ маркази — улуғ адиб Абдулла Қодирий номи билан аталувчи кўчада олинган. Ким унга энг қизиқарли изоҳ топиб, тахририятимизга жўнатса, бир йўла учта ажойиб соврин билан сийланади:

1. Қизиқарли изоҳи газетамизда, сайтимизда ва ижтимоий тармоқларда чоп этилади.

2. "Hurriyat" газетасини 2019 йилда текин ўқийди. Бепул обуна қиламиз.

3. Бир бутилка... Шишанинг ичида нима борлиги ҳозирча сир бўла қолсин. Лекин танловда қолиб чиққан мазза қилиши аниқ!

Изоҳларни қуйидаги манзилга жўнатиш:

Почта жўнатмалари учун:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават.
"Hurriyat" газетасига.
Электрон шаклдаги хатлар учун: gazhurriyat@mail.ru.
Шошилинг. Муддат чекланган.

**Танлов 21 октябрь —
"Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кунни яқунланади.**

Ким нимага қодир?

(Машҳур кишилар ҳаётидан)

Шодмон ОТАБЕК
таржимон

Қадди-қомати келишгангина раққоса қизнинг машҳур инглиз адиби Бернард Шоуга ёзган мактубида шундай сўзлар бор эди: "Жаноб Шоу, бир тасаввур қилинг-а, икки-миздан туғилмак фарзандимиз оғида сизнинг ақлингиз ва ташқи кўринишида менинг гўзаллигим мужассам бўлса, қандай яхши..."

Шоу жавоб хатида: "Худо кўрсатмасин, мабодо сиз айтгандек бўлмай, тескариши бўлса-чи... Ҳай-ҳай-ҳай, ўтинаман сиздан, мени тинч қўлинг..."

Кўнлардан бир кун Бернард Шоуни кўчада велосипедда келатган одам тўртиб юборди. Велосипедчи хижолат чекиб, уэр сўради, кекса драматург шундай деди:

— Омадиниз чопмади-да, биродар. Сал шиддат билан уриб юборганингизда, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Алберт Эйнштейн Чарли Чаплиннинг ўз фильмидаги роль ижросини кўп мақтарди. Кўнларнинг бирида актёрга мактуб юбор-

ди: "Сизга қойилман, санъатингиз ҳаммага тушунарли, Сиз келажакда буюк бўласиз. Хурмат билан Эйнштейн".

Орадан кўп ўтмай жавоб хати олд: "Мен эса сизга қайта-қайта қойил қоламан. Нисбийлик назари-янгизни ҳеч ким тушунмайди, барибир улуғ одамсиз. Чаплин".

Бир кун Пушкин журнал ноширига хат йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўради. Ношир жавоб хатида ёзди: "Пулни душанбада олганингиз қулайми ёки сешанбада? Икки юз рублнинг ҳаммасини бира тула олмақчимисиз ёки олдин юз рубл ҳам қиёям?" Шоу жавобни қисқа қилибди: "Душанба сешанбадан яхши, икки юз рубль юз рублдан яхши".

Бетховеннинг тўққизинчи симфонияси ижроси тугаши билан залда гулдўрос қарсақлар янгради. Ҳайратланган миллионлар Брун деди: — Салом болалар! Қани, муаллифни буюққа қақиринг-чи, мен унинг тўққизинчи, ҳа-ҳа, кейингиларини-ям — ҳаммасини сотиб оламан.

Машҳур немис композитори Роберт Шуман бўлажак умр йўлдо-

ши — Клара Викнинг васлига эриш-гунча анча овора бўлди. Кларанинг отаси ёшларнинг никоҳига рози бўлмасди, қария оиланинг асосий даромад манбаидан маҳрум бўлишини истамас, пианист сифатида анча танилиб қолган қизи ўз концерти-лари орқали дурустгина пул топаёт-ганди.

Чидомаган Шуман қария усти-дан судга мурожаат қилди. Лейпциг қиролик суди баюрат ёшига етган қизнинг ўз ихтиёри билан никоҳдан ўтишга ҳаққи борлиги хусусида ҳукм чиқарди. Ажабо, судда никоҳ-ни бекор қилиш эмас, никоҳга кириш масаласи кўрилганди.

Америкада гастролда юрган польшалик актриса Гелена Модже-евскани бир оқшом зиёфатга так-

лиф этишди. Таомдан кейин меҳ-монлар актрисадан ўз она тилида бирон нарсга ижро этиб беришини сўрашди.

Актриса поляк тилида қўлай бошлади. Тингловчилар бошларини тебратиб, кўз ёшларини дастрўмо-лига арта бошлашди, ижро сўнг-да эса асарини мазмунини сўраш-ди.

— Мен бор-йўғи она тилимда юзгача санадим, холос, — деди актриса.

Машҳур италян трагик актёри Росси шундай деган экан: — Ҳамма бало шундаки, Ромео-нинг родини ўн етти ёшда ўйнаш керак, қандай ўйнаш лозимлигини эса фақат етмишга кирганда тушунасан.

ЭЪЛОНЛАР
Файзуллаев Убайдулла
Ҳабибулла ўғлининг Тош-
кент ахборот технология-
лари касб-хунар коллежи
томонидан 2016 йилда
берилган дипломи йўқол-
ганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
64/18

Қирбай тумани "Давлат хизматлари" мар-
казидан 2014 йил 16 май кунини №002787
сонли реестр рақами билан давлат рўйха-
тидан ўтган "MUZAFFAR TAYYORLOV
BARAKA" масъулияти чекланган жамияти ўс-
тав фонди 216.462.000 сўмдан 7.500.000
сўмга туширилишини маълум қилади.
Мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул
қилинади: Қирбай тумани, Байтқўрган
қашлоғи, Виноград кўчаси, 41-уй.
65/18

► Анъана

Айтишларича, кўнгли тоза одамгина от билан тиллаша олар экан. Сабаби от табиятан жуда ақлли ва сезгир жонивор. Ёмон ниятли одамни ўзига яқинлаштирмайди. Шунингдек, содиқ дўст ҳам. Уруш йилларида ярадор эгасини жанг майдонидан эсон-омон уйига қайтарган отлар дунё аҳлига ўз вафодорлигини яна бир қарра исботлаган. "Оти бор хонадонда — барака бор", деб бежизга айтишмайди. Эмишки, у ҳар кун эгасига Яратгандан ризқ сўраркан.



Эр йигитнинг қаноти

Гўзал МАЛИКОВА

"Hurriyat" муҳбири

От миниб — соғлиқ учун қони фойда. Тоза ҳавода отда сайр қилганинг асаби тинчлини, фикри тинчла-шиши рост.

От ор-номус, гурур тимсоли ҳамдир. Неча асрлардан бери барҳаёт улоқ (қўпқари), оломон-пойга, от устида кураш, "қиз қувди" каби миллий от ўйинларимизда ана шу қадриятлар учун курашилади. Шу боис бўлса керак, йигитларимиз болаликдан чавадозликни орзу қилади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Урта Осиёнинг ўтқоқ аҳолиси эраимиздан олдинги даврларда ҳам доврўғи до-вон ошган отларни кўпайтириш билан шуғулланган. Улар-нинг таърифи Чин манбаларида қайд этилган, ҳатто. Хи-той императорлари "довон арғумқлари"ни олиб келиш топшириғи билан қанча савдогару элчилар, саркардала-рини юртимиз томонларга жўнатган. Чунки, қорабайир зотли отлар устидаги дастлабки селекция ишлари бундан уч ярим минг йил аввал қадимги Фарғона водийси ва Жиззах воҳасида олиб борилган. Бунини Фарғона водийси-дан топишган тошсуратлар ҳам исботлайди. Уларда эра-имиздан уч минг йил аввал йилқичи аждодларимиз томо-нидан қизилган қорабайирлар тасвирлари бор.

Айни кўнларда республикамиз бўйлаб йилқичиликни ривожлантириш, зотдор отларни етиштириш ва парва-ришланиш, от спортини тизимлашнинг зарур восита ва ан-жомлар билан таъминлаш, янги авлод чавадозларини шакллантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни от спортига жалб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оши-рилмоқда. Ташаббусларнинг дебоҳаси ўлароқ, ўтган йили Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбир-лар "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга оид долзарб вазифа ва янги лойиҳалар бел-гилаб берилди.

Президентимиз қарорига мувофиқ, Федерациямиз олдида наслдор, спорт ва хизмат отларини етиштириб чиқариш ва кўпайтириш, миллий от спортини мусобақала-рини ташкиллаштириш, отларни парвартиш қилиш ва ве-теринария хизматини кўрсатиш сифатини яхшилаш, шу-нингдек, от спортини бўйича болалар спорт мактаблари, тўғарак ва клублари тармоқларини кенгайтириш вазифа-лари қўйилди, — дейди Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси матбуот котиби Анвар Сунонов. — Тошкент вилоятида Ахалтақа зотли отларни кўпайтириш ва парвартиш бўйича "Ўзбеким отлари" от — заводи такомиллаштирилди ва спорт отларини кўпайтириш бўйи-ча "Ўзбек спорт отлари" от заводининг қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятида "Қорабайир отчилиқ мажмуаси" дав-лат унитар корхонаси ҳамда Фарғонанинг Қувасой тумани-да қорабайир отларини кўпайтиришга ихтисослашган "Во-дий тулпорлари" наслчилиқ мажмуаси ишга туширилди.

Айтиш жоизки, "Ўзбеким отлари" заводидан парварти-ланаётган ахалтақа отлари дунёга машҳур. Мазкур завод-да 400 га яқин ахалтақа, инглиз ва араб зотли отлар бор.

Қашқадарёдаги "Қорабайир отчилиқ мажмуаси" дав-лат унитар корхонасида эллик бош қорабайир парва-ришланаётган бўлса, келажакда уларнинг сонини икки юзга етказиш кўзда тутилган.

Қувасойдаги "Водий тулпорлари" наслчилиқ комплек-си "Кварц" акциядорлик жамияти томонидан 2,5 гектар ҳудудда ташкил этилган. Ташқи ва ички бозорни насли-отлар билан таъминлаш билан бирга, Ўзбек от спортининг жаҳонда етакчи ўринига чиқишига хизмат қилади.

Юртимизнинг барча ҳудудларига кенг тарқалган қора-байир отлари айрим манбаларда "тоғ зотиға мансуб от", деб эътироф этилади. Арабчадан олинган мазкур сўз, "от ва туя" деган маънони англатади. Қорабайир — туя ўрнини босувчи отдир.

Анвар Суноновнинг сўзларига кўра, қорабайир зоти-нинг ташқи кўриниши, тана тизилиши мустаҳкам ва ба-қувват. Унинг пайдо бўлиши бевоқифа халқимиз тарихи билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам қорабайирнинг ватани сўралганда, ҳеч иккиланмай "Ўзбекистон", дея жавоб қайтариш мумкин. Ушбу зотли отларнинг уч хил тури бўлиб, улардан, асосан, миллий от ўйинлари, от спортини ўйинлари, ҳўжалиқ ишлари, ҳарбий мақсадлар ҳамда маҳсулот етиштиришда фойдаланиш мумкин. Қора-байирларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — озуқа танламаслиги. Паст-баландликлар ва тоғларда бема-лол юрaveraди. Йўлларда ҳушёр ҳаракат қилиб, тўсиқ-лардан яхши ўтади, юк кўтаришда ҳам бошқа зотли от-лардан асло қолишмайди.

"От — эр йигитнинг қаноти" дейдилар. Йигитларимиз-нинг қаноти бақувват ва учқур, отларимизнинг қадамлари доим илдам ва хайрли бўлсин!

Манзиллик: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Адиба Умирова

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

HURRIYAT
Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси



Ахборот ҳамкоримиз:
Ўзбекистон
матбуот ва
ахборот агентлиги

Тахририятга келган хатлар
доимий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларга қайтарилмайди.

Адади: 2275 Буюртма — V-2510 1 2 3 4 5

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг
бўлими: (0-371) 244-32-88

Топширини вақт — 20"
Топширмади — 18"

Индекс: якка
обуначилар ва
ташқиотлар
учун — 233